

ХАЛИФАЛАР ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ИСЛОМ ТАРИХИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Нуралиев Умид Рамазон ўғли

Термиз Давлат Университети

Тарих факултети (йўналишлар ва фаолият тури бўйича)

2-курс магистранти,

Имом Термизий ўрта махсус таълим муассасаси

АРМ бўлими бошлиғи

+998915855153

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 7 асрдан 15 асргача бўлган даврдаги сиёсий тарих-халифалар тарихига доир бир қанча асарлар ҳақида сўз боради. Мавзу доирасида ёзилган тегишли тарихий асарлар асл манбаларга таянган ҳолда илк бор имкон қадар бир жойга йиғишга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар: *Хулафо, рошид халифалар, сийрат, тобеъинлар, мағозий, табақот.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается ряд работ по истории политических халифов с 7 по 15 век. Соответствующие исторические работы, написанные на эту тему, старались впервые максимально собрать воедино, опираясь на первоисточники.

Ключевые слова: *халифат, рашидские халифы, сират, табейн, мағазии, табақот.*

ABSTRACT

This article deals with a number of works on the history of political caliphs from the 7th century to the 15th century. Relevant historical works written on the subject will be tried to be collected together as much as possible for the first time, relying on the original sources.

Keywords: *Caliphate, Rashid Caliphs, Sirat, Tabein, Maghazi, Tabaqat.*

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Тарихни маълум соҳа ва даврларга ажратган ҳолда ўрганиш объектни тўлароқ тадқиқ этишга асос бўлади. Бу услуб ўрганиш ва ўргатишнинг синалган самарали услуби бўлиб, илм-фаннинг барча соҳаларида жорий этилувчи табиий қонуниятдир. Хусусан, исломий илмлар соҳаси ҳам алоҳида тармоқларга бўлинган бўлиб, жумладан, ислом тарихини ёритишда тарожим-

табақот¹ китоблари ва уларнинг турли йўналишлари алоҳида аҳамият касб этади. Булар орасига халифалар тарихини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бу соҳанинг ёритилиши асрлар давомида алоҳида мавзу сифатида шаклланиб борган.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Илк даврларда халифалар тарихи сиёсий тарихнинг ажралмас бўлаги эди. Дарҳақиқат, тарих илмининг дастлабки намоёндаларидан бири, тобеъин, машҳур муҳаддис ва фақиҳ Абу Абдуллоҳ Урва ибн Зубайр Асадий (22-93/643-712) ёзган «Мағозий» (Ғазотлар) асарининг асосий мавзуси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари тўғрисида бўлиши билан бирга тўрт рошид халифаларнинг даври билан ҳам чамбарчас боғлиқ². Бу китобнинг бир қисми Табарий, Ибн Исҳоқ ва Воқидий ҳамда Ибн Касир каби машҳур тарихчилар томонидан келтирилган иқтибослар орқали бизгача етиб келганлиги маълум³.

III/VIII асрга келиб тарих илми юксак даражада ривожланди, йирик китоблар ёзилди. Жумладан, басралик муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъд ибн Маниъ Бағдодийнинг (168-230/784-845) кўп жилдлик «Табақот ал-кубро» (Катта табақалар), машҳур тарихчи ва насаб олими Абулҳасан ёки Абу бакр Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд Балазурийнинг (190-279/806-892) «Футуҳ ал-булдон» (Мамлакатлар фатҳи), муҳаддис ва машҳур тарихчи Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодийнинг (392-463/1002-1071) кўп жилдлик «Тариху Бағдод» каби асарлари умумий тарих қатори, халифалар тарихини ёритишда ҳам асосий манбалардан саналган. Бундан ташқари, тарихчилар XIII-XIV асрнинг етук олими сифатида биладиган икки машҳур шахс, Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймаз Заҳабий Дамашқийнинг (673-748/1274-1348) кўп жилдлик «Тарих ал-ислом» ҳамда Абулфидо Исмоил ибн Умар ибн Касир Дамашқийнинг (701-774/1303-1373) «Ал-Бидоятун ван-нихоя» (Ибтидо ва интиҳо) каби йирик асарлари ҳам шулар жумласидандир. Мазкур икки китоб ўз номи билан табақот ва тарожим китоблар сирасига кириб, ислом оламида муҳим манба сифатида кенг миқёсда фойдаланилади.

“Халифалар тарихи” номи билан аталувчи ушбу мавзуга оид асарлар ёзиш анъанаси илк бор VIII-IX асрларда, яъни тобеъинлар даврида алоҳида тармоқ

¹Суютий «Тадриб ар-ровий» китобида келтиришича, «Табақот» сўзи луғатда бирон-бир сифатда бир-бирига ўхшаш бўлган гуруҳдир. Истилоҳда эса у ёш ва иснод (яъни, шайхлардан илм ўрганиш) жиҳатдан замондош бўлган ва бир-бирига яқин гуруҳ ёки гуруҳларни билдиради.

²Абдулазиз Дурий. Нашъату илму тарих иънда-араб. 21 б.

³Абдулазиз Дурий. Нашъату илму тарих иънда-араб. 22 б.

сифатида ажралиб шакллана бошлади. Ўз йўналишининг ибтидоси ўлароқ ёзилган ушбу китоблар халифалар тарихини тўлиқ қамраб олмасдан, маълум бир давр билан чегараланган.

Жумладан, “Халифлар тарихи” рукни остидаги турли йилларда ёзилган илк алоҳида манбалар қаторига қуйидаги китобларни келтириш мумкин:

1. Тобеъин, ҳофиз, тарих илмининг илк намоёндаларидан бири ва ҳадисда ўз даврининг «Амирул муминин» даражасига етган⁴ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор Мутталибий Маданийнинг (ваф 151/768) «Тарих ал-хулафо» асари⁵. Асли юнон, мусулмон географ ва тарихчи олими Ёқут Ҳамавий (1179-1229)⁶ ва тарихда «Ибн Надим» номи билан танилган Абул Фароҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ўз асарларида⁷ келтиришича, бу китоб Муҳаммад ибн Исҳоқ томонидан битилган «Мағозий» (Ғазотлар) асарининг давоми сифатида ёзилган бўлиб, унда рошид халифалар ва Уммавийлар даври ёритилган. Афсуски, бу китобнинг фақатгина бир парча қисми Имом Муҳаммад Табарий ўзининг баъзи китобларида у кишидан келтирган иқтибослари орқали бизгача етиб келган⁸.

2. Тарихда «Мадоиний» номи билан машҳур басралик насаб олими, тарихчи ва адиб Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Қурашийнинг (135-224/753-839-40) «Ахбар ал-хулафо» (Халифаларнинг хабарлари) асари⁹. Бу китобнинг бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Шунингдек, бу китоб «Тарих аъмор ал-хулафо» (Халифалар ҳаётлари тарихи) «Тарих ал-хулафо» ва «Ахбар ал-хулафо ал-кабир» (Улуғ халифалар тарихи) каби бир неча хил номлар билан ҳам аталганлиги маълум¹⁰. Асарда тўрт рошид халифалар ва уммавийлар даври, шунингдек, Аббос ўғилларидан чиққан биринчи халифа Абул Аббос Абдуллоҳ, Мансур, Маҳдий, Ҳодий, Ҳорун ар-Рошид, Амин, Маъмун ва Муътасим даврлари ҳам ёритилган¹¹.

3. «Абу Жаъфар Бағдодий» номи билан танилган насаб олими, муҳаддис ва фақиҳ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ибн Умайя ибн Амир Ҳошимийнинг (ваф 245/859) «Тарих ал-хулафо» асари¹². Бу китобнинг ҳам бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Хатиб Бағдодий китобнинг номини зикр

⁴Ибн Ҳиббон. Ас-Сақофат. VII, 282 б.

⁵Абдулазиз Дурий. Нашъату илму тарих иънда-лараб. 22 б.

⁶Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал-удаба. VI, 2420 б.

⁷Ибн Надим. Фихрист. 121 б.

⁸Муҳаммад Табарий. Тарихи Табарий. I, 270. I, 486. II, 124. III, 97. IV, 57. IX, 185. Муҳаммад Табарий. Ал-Мунтахаб мин зайли-л-музил. 140 б.

⁹Заҳабий. Сияр аълом ан-нубала. 10/402, 113-рақам.

¹⁰Ибн Надим. Фихрист. 155 б.

¹¹Даъжаний. Маварид ибн Асокир фий тарихи Димашқ. 170 б.

¹²Ибн Надим. Фихрист. 119 б.

этган бўлмасида, бу мавзуда у кишидан қилинган кўплаб ривоятларни ўз китобларида келтириб ўтган¹³.

4. «Ибн Абу Дунё» номи билан машхур бўлган таниқли муҳаддис, тарихчи ҳамда кўплаб асарлар муаллифи Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Убайд ибн Суфён Кураший Бағдодийнинг (208-281/823-894) «Тарих ал-хулафо» асари¹⁴. Бу китобнинг ҳам бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Лекин Хатиб Бағдодий Абу Қайс Али ибн Аҳмад ибн Рифоъ Бағдодий орқали (ваф 352-963)¹⁵, «Ибн Адим» номи билан танилган Абу Жарода Умар ибн Аҳмад ибн Ҳиббатуллоҳ Уқайлий (588-660/1192-1262) Абу Ҳасан Умар ибн Ҳасан Ашнонийдан (259-339/872-950), у киши эса Ибн Абу Дунёдан ривоят қилган¹⁶.

5. Таниқли тарихчи ва фақиҳ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид Табарийнинг (224-310/839-923) кўп жилдлик «Тарихи Табарий» асари. Бу китоб «Тарих ар-русул вал-мулук» (Пайғамбарлар ва подшолар тарихи) номи билан ҳам машхур. Асарда Одам алайҳиссаломдан ўзи яшаган давргача бўлган тарихни исноди¹⁷ билан мухтасар ҳолда келтирган. Бу китоб ислом тарихи бўйича асосий манбалардан бири сифатида кенг фойдаланилади.

6. Тарихчи ва муҳаддис Абу Бишр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳаммод Дулабий Ансорийнинг (224-310/839-923) «Ахбар ал-хулафо» асари.¹⁸ Бу китобнинг ҳам бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Ибн Касир китобнинг номини зикр этмасида, бу мавзуда у кишидан қилинган ривоятларни ўз китобида келтириб ўтган¹⁹.

7. Наҳвшунос олим ва ҳофиз Абу Абдуллоҳ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арофа Нифтавайҳнинг (244-323/858-935) «Тарих ал-хулафо» асари²⁰. Бу китобнинг бизгача етиб келганлиги маълум эмас. Лекин китобни Имом Заҳабий²¹ ва Имом Суютий²² ўз китобларида зикр қилиб ўтган. Китоб икки жилддан иборат бўлиб, Қоҳир Биллоҳ Абу Мансурнинг (320-322/932-934)

¹³ Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. I, 465 б. II, 276 б. XII, 58 б. XXIII, 660.

¹⁴ Суютий. Тарих ал-хулафо. тадқиқчининг муқаддимаси. 26 б. Имом Заҳабий «Сияр аълом ан-нубала» китобида: «Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Убайд ибн Суфён Абу Дунё «Хулафо» асарида шундай ривоят қилди» деган жумлани келтирган. III, 389 б.

¹⁵ Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. I, 86 б. 145 б. II, 120 б. IV, 108 б. XI, 236 б. XVI, 9 б.

¹⁶ Ибн Адим. Буғя ат-талаб фи тарихи Ҳалаб. II, 605 б.

¹⁷ «Иснод» сўзининг икки хил маъноси бор: 1. Бир сўзни унинг айтувчисига нисбат бериш, суяб қўйиш, «Бу гапнинг эгаси фалончи» дейиш «Иснод» дейилади. 2. Матнга олиб бориб боғловчи кишиларнинг силсиласи «Иснод» дейилади. Бу маънода «Иснод» ва «Санад» бир хилдир. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. 30 б.

¹⁸ Даъжаний. Маварид ибн Асокир фи тарихи Димашк. 159 б.

¹⁹ Ибн Касир. Ал-Бидоятун ван-нихоя. VI, 787 б. VIII, 326 б. X, 252 б. XI, 145 б.

²⁰ Даъжаний. Маварид ибн Асокир фи тарихи Димашк. 160 б.

²¹ Имом Заҳабий. Сияр аълом ан-нубала. XI, 386 б.

²² Имом Суютий. Тарих ал-хулафо. 94 б.

халифалигига қадар ёзилган. Ибн Асокир бу борада у кишидан қилинган ривоятларни ўз китобида келтириб ўтган²³.

8. Буюк алломалардан бири, тарихда «Сулий» номи билан танилган машҳур шатранж ўйинчиси, адиб ва шоир Абу Бакр Муҳаммад ибн Яҳё Абдуллоҳ Сулийнинг (267-336/880-947) Аббосийлар ва уларнинг шоирларига бағишланган «Ашъару авлад ал-хулафа ва ахбарихим мин китаби Авроқ» (Авроқ китобидан халифалар болаларининг шеърлари ва уларнинг хабарлари) китоби. Асарда халифалар болаларининг ва Бани Аббоснинг ёзган шеърлари баён қилинган бўлиб, халифа Муътаз биллаҳ Муҳаммад (252-255/866-869) давригача ёзилган. Асар илк бор 1936 йили Мисрдаги «Матбуоти Совий» матбуотида чоп этилган.

9. Муҳаддис ва адиб Абу Муҳаммад Исмоил ибн Али ибн Исмоил Хаттобийнинг (ваф 350/961) «Мухтасар тарих ал-хулафо» асари²⁴. Ибн Асокир ўз китобида бу асардан иқтибос келтирган²⁵. Муаллиф китобида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва рошид халифалар даври, шунингдек, уммавийлар ва аббосийлар давлатининг ўзи яшаган давргача бўлган тарихини қисқача тарзда ёритган. Унда Муктафий биллаҳ (289-295/902-908) халифалиги даврида Ибн Маҳрул Қарматий номи билан машҳур бўлган Али ибн Абдуллоҳнинг хуружи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтган. Китобнинг бизгача биринчи қисми етиб келган ва у 1389/1969 йили илк бор Даниянинг «Дор кутуби Копенгаген» нашриётида чоп этилган.

10. Муҳаддис ва имом Абу Носир Зухайр ибн Ҳасан ибн Али Қузобийнинг (ваф 454/1062) «Китаб ал-анбаи би анбия ва таворих ал-хулафа ва валаят ал-умаро» (Анбиёлар хабарлари, халифалар тарихи ҳамда амирлар бошқаруви ҳақида хабарлар) асари. Китобда Одам алайҳиссаломдан хижрий 427/1036 йилгача, яъни Қоим би-амриллаҳ (422-467/1021-1075) давригача мухтасар ҳолда ёритилган. Асар 1418/1998 йили илк мартаба Байрут шаҳридаги «Мактабат ал-асрия» нашриётида чоп этилган.

11. Тарихда «Ибн Ҳазм» номи билан танилган андалусиялик фақиҳ аллома ва тарихчи Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Саъид ибн Ҳазм Зоҳирийнинг (384-456/994-1064) «Асма ал-хулафа вал-вулати ва зикри мудадиҳим» (Халифа ва волийлар исмлари ҳамда бошқарув муддатларининг зикри) китоби. Асарда асосан рошид халифалар, уммавийлар, аббосий халифа Абу Жаъфар Қоим би-амриллаҳ даври (422-450/1031-1058-59) ва шунингдек ундан кейинги халифалар ва Андалусияда тузилган уммавийлар давлати

²³ Ибн Асокир. Тариху Димашк. LXVIII, 47 б.

²⁴ Даъжаний. Маварид ибн Асокир фи тарихи Димашк. 160 б.

²⁵ Ибн Асокир. Тариху Дамашк. LIV, 60 б.

волийларининг исмлари ҳамда уларнинг волийлик муддатлари келтирилган. Асар илк бор 1407/1987 йили Байрут шаҳридаги «Муассас ал-арабия ли-д-дироса ван-нашр» нашриётида чоп этилган.

12. Тарихчи ва фақиҳ аллома Абулҳасан Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Имронийнинг (ваф 580/1184) «Ал-Инбау фи тарихи ал-хулафа» (Халифалар тарихида хабарлар) асари. Бу китоб муаллиф томонидан ёзилган машҳур асарлардан бўлиб, унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, рошид халифалар ва уммавий ҳукмдорларнинг исмлари ҳамда подшолик даврлари мухтасар ҳолда ёритилган. Шу жумладан, аббосий ҳукмдорлар даври нисбатан кенгроқ ёритилган бўлиб, аббосий халифа Абу Музаффар Мустанжид биллаҳ (555-566/1160-1170-71) давригача баён қилинган. Китоб Қосим Самирой томонидан тадқиқ қилиниб, 1421/2001 йили илк бор Қоҳираги «Дор ал-афақ ал-арабия» нашриётида чоп этилган.

13. Абу Марвон Абдулмалик ибн Қосим ибн Кардабус Таввазройнинг (ваф 580/1184) «Ал-Иктифау мин тарих ал-хулафа» (Халифалар тарихи борасида кифоя қилувчи китоб) асари. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва рошид халифалар ҳамда уммавийлар давлати тарихи ўрин эгаллаган. Иккинчи қисмда эса аббосий ҳукмдор Абу Музаффар Мустанжид биллаҳ (555-566/1160-1170-71) давригача ёритилган. Шунингдек, муаллиф ўз асарида Андалусияда тузилган уммавийлар давлати ҳақида ҳам қисқароқ тўхталиб ўтган. Китоб доктор Солиҳ ибн Абдуллоҳ Ғомидий томонидан тадқиқ қилиниб, 2013 йилда Байрут шаҳридаги «Дор ал-кутуб ал-илмия» нашриётида чоп этилган.

14. Ўз даврининг етук муҳаддис олими ва фақиҳ Абулфароҳ Абдурахмон ибн Али ибн Жавзийнинг (ваф 594/1200) «Ал-Мисбаҳ ал-музыйъ фи хилафа ал-Мустазийъ» (Мустазийъ халифалигини ёритувчи чироқ) асари. Ножиъ Абдуллоҳ Иброҳим ушбу китобни Бағдод университетининг марказий кутубхонасида сақланадиган нусха асосида тадқиқ қилган бўлиб, 2000 йил Байрут шаҳридаги «Ширкат ал-матбуот лит-тавзийъ ван-нашр» нашриётида чоп этилган.

15. Ибн Жавзийнинг бу мавзуда ёзилган бошқа йирик асари «Ал-Мунтазам фи таворих ал-мулук вал-умам» (Подшолар ва халқлар тарихларининг тартибланиши) китоби. Асар жами 18 жилддан иборат бўлиб, Одам алайҳиссаломнинг туғилишидан 574/1178 йилгача мухтасар ёритилган. Асарнинг Суҳайл Заккор томонидан тадқиқ қилиниб, 1415/1995 йили Байрут шаҳридаги «Дор ал-фикр» нашриётида чоп этилган.

16. Абулхаттоб Умар ибн Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад Изовийнинг (544-633/1150-1233) йирик «Ан-Ниброс фи тарих хулофа бани ал-аббос» (Бани Аббос халифаларининг тарихидаги ёритувчи машъала) асари. Китобда асосан Саффоҳ давридан Мустазий би-амриллах (567-575/1172-1180) давригача давлатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти ҳақида сўз юритилган. Бу китоб 1946 йили Бағдод шаҳридаги «Маориф» нашриётида чоп этилган.

17. Абу Сурур Али ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Руҳийнинг (ваф 648/1250) «Балоғату зурофа фи зикри таворих ал-хулафа» (Халифалар тарихларини зикр қилишда етук балоғат) асари. Китобда асосан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насл-насаблари, сифатлари ва рошид халифалар даври шунингдек, таниқли халифаларнинг исмлари ҳамда уларнинг ҳукмронлик қилган даврлари акс эттирилган. Бу китоб 1327/1909 йили Мисрдаги «Ан-Нажаҳ» нашриётида чоп этилган.

18. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Казарунийнинг (611-697/1214-1297-98) «Мухтасар тарих мин аввал аз-заман ила мунтаха давлати бани аббас» (Замоннинг ибтидосидан бани Аббос давлатининг интиҳосигача бўлган мухтасар тарих) асари. Китобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва ғазотлари келтирилиб, Абу Бакр Сиддиқ давридан халифа Мустаъсим Абдуллоҳ (640-659/1243-1261) давригача акс эттирилган. Китоб Мустафо Жаввад томонидан тадқиқ этилиб, 1390/1970 йили Бағдод шаҳридаги «Мактабату нур» нашриётида чоп этилган.

19. Абу Абдуллоҳ Муғултой ибн Қулайж ибн Абдуллоҳ Бакжурийнинг (689-762/1290-1361) «Мухтасар тарих ал-хулафо» китоби. Халифалар тарихига бағишлаган бу мухтасар китоб асосан география, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда рошид халифалар давридан Аббосий ҳукмдор Муътасим биллах (640-659/1243-1261) давригача баён қилинган. Китоб Осиё Калийбон Али Барих томонидан илмий тадқиқ қилиниб, 2001 йили Қоҳирадаги «Дор ал-фахр ли-н-нашр ва-т-тавзийъ» нашриётида чоп этилган.

20. Тарихчи ва адиб Абулаббос Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Қалқашандийнинг (756-821/1355-1418) «Маасир ал-инафа фи маъалим ал-хилафа» (Халифалик аломатларидаги юксак фазилатлар) асари. Ушбу асар муаллифнинг машҳур асарларидан бири бўлиб, у икки қисмдан иборат. Биринчиси, халифалик қай тарзда бўлиши ва унга сайланиш йўллари хусусидадир. Иккинчи қисмида, халифалар, хусусан, Абу Бакр Сиддиқ давридан Мустаъинбиллах (808-815/1406-1412) давригача ёзилган. Китоб

Абдусаттор Аҳмад Фирож томонидан тадқиқ қилиниб, 2008 йили Қувайт шаҳридаги «Матбуату ҳукумат ал-Қувайт» нашриётида чоп этилган.

21. Тарихчи ва аллома Абулмаҳосин Юсуф ибн Тағрибердийнинг (ваф 874/1470) «Маварид ал-латофа ман валия ас-султона ва-л-хилафа» (Халифалик ва подшоликка сайланган кишилар ҳақида латиф манба) асари. Китобда Абу Бакр Сиддиқ халифалик давридан Мустаъин биллаҳ (808-815/1406-1412) давригача келтирилган. Китоб Доктор Набийл Муҳаммад Абдулазиз томонидан тадқиқ қилиниб, 1412/1992 йили Қоҳиранинг «Дор ал-кутуб ал-мисрия» нашриётида чоп этилган.

22. Абулфазл Жалолиддин Абдурахмон Суютийнинг (849-911/1445-1505) «Тарих ал-хулафо» асари. Китоб Муҳаммад Ғассон Насуҳ Азкул Ҳусайний томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, Қатардаги «Визаро ал-авқоф аш-шуъун ал-исламия» муассасида чоп этилган. Асосан китобда Абу Бакр Сиддиқ давридан сўнгги аббосий халифа Мутаваккил алаллоҳ (884-903/1479-1498) давригача, шунингдек Андалусияда тузилган уммавийлар, убайдийлар давлати, Бани Тобатоба алавий Ҳасанийлар давлати ва Табаристон давлатидаги подшоларнинг исмлари ҳамда халифалик йиллари қисқача келтирилган.

ХУЛОСА

Дастлаб, бу юналишга илк қадам тобеъинлар даврида қўйилди. Биз юқорида келтирган асарлар VIII асрдан то XV асргача бўлган давр оралиғида ёзилган бўлиб, ҳар бири ўз замонига алоқадор муҳим манбалар қаторида саналади. Бу асарлар «Халифалар тарихи»ни ўрганишда манбаларнинг бир-бирига кетма-кет чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиш классификатсиясини таҳлил қилиш йўлига тушиб олишда кўмакчи вазифасини ўтайдиган муҳим асл манбалар ҳисобланади. Шунингдек, улар нафақат «Халифалар тарихи», балки бутун ислом илмларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир жиҳатни унутмаслик керакки, халифалар ҳақида ёзилган дастлабки китоблар маълум давр билан чегараланиб, бир ёки бир нечта халифалар даврини ёритиш билан кифояланган. Ўша даврнинг буюк олими Имом Жалолиддин Суютий буни эътироф этиб, бу борада баъзи фикрларни келтириб ўтган. Шу жумладан, ўз сўзида муаллиф, бу соҳада иш ҳали ўз ниҳоясига етмаганлигига ишора қилган ва буни эътибордан четда қолдирмай, ушбу мавзуда ўртача ҳажмдаги «Тарих ал-хулафо» асарини битган. Китобда келтирилган шахс ва ҳодисаларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб китоблар битилган. Унинг мақсади воқеалар тафсилотини тўлиқ баён қилиш эмас, балки

бу китобни ўқиган кишида ушбу тарих ҳақида умумий тасаввур шакллантириш ва энг зарурий маълумотларни тақдим қилишдир.

Шу билан бирга, бу соҳадаги асарларнинг кўп қисми ҳали илмий жиҳатдан кенг ўрганилмаган, улар билан яқиндан танишиш ва тадқиқ қилиш эса Ислом тарихини қиёсий ўрганиш йўналишига асос бўлиши мумкин.

Шунингдек, 14 асрлик тарихи ислом даври билан узвий боғлиқ бўлган Марказий Осиё минтақасида, жумладан ўз юртимизда ҳам «Халифалар тарихи» рукни остидаги асл манбалар билан яқиндан танишиш ва келгусида бу асарларни ўзбек тилига таржима қилиш борасида ҳам кун сайин қизиқиш-талаб ортиб бормокда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Абулфароҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Муътазилӣ. Фихрист. Айман Фуод Саид тадқиқи. – Лондон: Муассаса ал-фурқон ли-туроси ал-исламий. 1429/2009. III.
2. Абу ал-Қосим СУлаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Табарий. Тарихи Табарий. Дорул афкарид-давлия. 1430/2009.
3. Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад. Ас-Сақофат. Даироту л-маориф ал-усмания. 1393/1973. XI.
4. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исламий. 1422/2001. XXI.
5. Шихобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқут Ҳамавий Румий. Муъжам ал-удаба. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исламий. 1413/1993. VII.
6. Абдулмалик ибн Муҳаммад Таваззарий. ал-Иктифау мин тарих ал-хулафа. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-Мисрия. 1391/1971.
7. Абул Қосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳиббатуллоҳ Ибн Асоқир. Тариху мадинату Димашқ ва зикру фазлуҳа ва тасмияту ман ҳаллаҳа минал амасил. – Байрут: Дор ихяу -т-турос. 1415/1995. LXX.
8. Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий Дамашқий. Сияр аълум ан-нубала. – Байрут: Дор ал-фикр. 1413/1993. XXIII.
9. Абулфидо Исмоил ибн Умар ибн Касир Дамашқий. Ал-Бидояту ван-нихоя. – Байрут: Мактабат ал-маориф. 1410/1990. XV.
10. Абу Жарода Умар ибн Аҳмад ибн Ҳиббатуллоҳ Уқайлий. Буғя ат-талаб фи тарихи Ҳалаб. – Байрут: Дор ал-фикр. 1408/1988. XII.
11. Абу Бакр Жалолиддин Абдууроҳман Суютий. Тарих ал-хулафо. Муҳаммад Ғассон Насух Азқул Ҳусайний ва бошқалар тадқиқи. – Қатар: Визаротул авқоф аш-шуъун ал-исламия. 1434/2013. Иккинчи нашр.

12. Абу Бакр Жалолiddин Абдурухман Суyутий. Тадриб ар-ровий. Торик Авзуллох тадқиқи. – Риёз: Ал-мактабату ал-асима. 1424/2003. III.
13. Абу Бакр Жалолiddин Жалолiddин Абдурухман Суyутий. Тарих ал-хулафо. Абдуллох Шокиров таржимаси. Халифалар тарихи. – Тошкент: “Sharq”. 1441/2020.
14. Хайриддин ибн Махмуд ибн Мухаммад ибн Али ибн Форис Зириклий Димашкий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайийни, 1423/2002. VIII.
15. Толал Суьуд Даъжаний. Маварид ибн Асокир фий тарихи Димашқ. – Мадина: ал-Жаъмиату -л-исламия. 1425/2004. Биринчи нашр.
16. Абдулазиз Дурий. Нашъату илму тарих иънда-л-араб. – Байрут: Марказ ад-дираса ал-вахдату -л- арабия. 1428/2007. Иккинчи нашр.
17. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Мусталахул хадис. – Тошкент: «Хилол нашр» нашриёт-матбааси. 2018.
18. Жўрабек Чўтматов. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: YANGI NASHR, 2017.
19. Abott, Nabia. Studies in Arabic literary Papyri. Chicago, IL: University of Chicago Press {1957-1972}, 3 vol. (Oriental Institute publications; v. 75-77, 3 vols. 1: Historical Texts, p.
20. Jalaluddin as-Suyuti. History of the caliphs. Translated from the original Arabic by Major H.S. Jarrett. Calcutta: printed by J.W. Tomas, Baptist mission press. And published by the Asiatic society, 57, Park street, 1881.
21. Celâleddîn Suyûtî. Halifeler Tarihi. Arapça aslından çeviren: Onur Özatağ. – Istanbul: Ötûken, 2014.